

Шомда мизғиб олиш

16:47 / 25.04.2016 3543

САВОЛ: Шомда мизғиб олиш мумкин эмаслиги ҳақийқатми ёки иримми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Баъзи китобларда айтилишича, айнан шомга яқин пайтлар жин ва шайтонлар кўпроқ изғиб юрадиган вақт ҳисобланади. Уларнинг ёмонликларидан сақланиш учун бу пайтда ухламаган афзал. Қолаверса, шом пайтида бироз мизғиб олиш шом намозининг вақти ўтиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, шомда мизғиб олиш мумкин эмаслиги ирим эмас, айна ҳақийқатдир. Валлоҳу аълам.